

# **“Аёллар дафтари”га киритилган аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида майший техникалар етказиб берилмоқда**



Термиз туманида “Аёллар дафтари”нинг иккинчи босқичида 1044 нафар хотин-қизлар платформага киритилган бўлиб, уларнинг 139 таси ишсиз хотин-қизлар ҳисобланади. Бугунги кунга қадар 69 нафар хотин-қизларга имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди, 17 нафар ишсиз аёллар доимий иш билан таъминланди ҳамда 9 тоифа бўйича амалий ишлар давом этмоқда.

“Аёллар дафтари”га киритилган аёллар муаммоларини ҳал этиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ўзини-ўзи банд қилишлари учун 96 та майший техникалар билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, куни-кеча шундан 19 та майший техника аёлларга етказиб берилди.

Туманда секторлар кесимида майший техникаларни етказиб бериш ва аёллар бандлигини таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.